



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG‘I

20 21 yil “14” 12

№ 280

Toshkent sh.

#### **Ўткир респиратор инфекцияси билан касалланган болаларга ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ходимларини рағбатлантириш тўғрисида**

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги 266-сонли буйруғига асосан Республика махсус Зангиота 1-сон ва 2-сон шифохоналарида ўткир респиратор инфекцияси билан касалланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ходимларини рағбатлантириш мақсадида

#### **БУЮРАМАН:**

##### **1. Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи (С. Максудов)га:**

Республика махсус Зангиота 1-сон ва 2-сон шифохоналарида ўткир респиратор инфекцияси билан касалланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи ходимларини рағбатлантириш мақсадида керакли миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағларидан ушбу шифохоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш чораларини кўрсин.

2. Ходимларга куйидаги миқдорда рағбатлантириш тўловлари белгилансин:

шифокорларга – 2,5 млн сўм;

хамшира ва кичик тиббий ходимларга – 1,0 млн сўм.

##### **3. Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи (Х. Таджиев)га – бир кун**

**муддатда** мазкур буйрукни Республика махсус 1-сон ва 2-сон махсус шифохоналари раҳбарларига етказилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари  
У.Собиров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**



**Б. Мусаев**